

ЎЗБЕКИСТОН ВА ХИТОЙ ДАВЛАТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ МАДАНИЙ ВА ИЖТИМОЙ-МАДАНИЙ СОҲАЛАРДАГИ ҲАМКОРЛИГИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.7335312>

**Буранова Нигора Аъзамкуловна**

Тарих фанлари номзоди, доцент

Тошкент архитектура-қурилиш институти

E-mail: [nigoraburanova53@mail.ru](mailto:nigoraburanova53@mail.ru)

*Аннотация:* ушбу мақолада Ўзбек-Хитой ўртасидаги маданий ва ижтимоий соҳадаги ўзаро ҳамкорлик масалаларининг баъзи қирралари баён этилган. Шунингдек, таълим соҳасидаги ҳамкорлик масалалари ҳам кўрсатилган. Туризм борасида амалга оширилаётган бугунги ижобий ишлар юртимиз ва Хитой ўртасидаги маданий-ижтимоий соҳадаги ҳамкорлигимизга янада ижобий таъсир кўрсатилиши очиб берилган.

*Калим сўзлар:* тарих, маданият, туризм, ҳамкорлик, таълим, ёдгорликлар, ўқув юртлари, тарих, мамлакат.

*Abstract:* this article describes some aspects of Uzbek-Chinese cooperation in the cultural and social spheres. Issues of cooperation in the field of education are also indicated. It has been revealed that today's positive activities in the field of tourism will have an even more positive impact on our country's and China's cultural and social cooperation.

*Key words:* history, culture, tourism, cooperation, education, monuments, educational institutions, history, country.

Ўзбекистон ва Хитой узоқ тарихга, ноёб маданият ҳамда улкан интеллектуал салоҳиятга эга. Бу давлатлараро гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш, икки мамлакат олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ўртасида шериклик муносабатларини ўрнатиш, шунингдек, ўзаро маданий алоқаларни янада ривожлантиришни давр тақозо қилмоқда.

Маданий-гуманитар соҳада Ўзбекистон-ХХР муносабатларининг янги босқичга кўтарилишига нафақат савдо, коммуникация, балки туризм соҳаси ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ўзбекистоннинг қадимий тарихий маданиятига оид ёдгорликлари ҳамisha чет эллик сайёҳлар эътиборини ўзига жалб қилиб келган. Ўзбек-Хитой муносабатларида туризм соҳасидаги ҳамкорликка ҳам алоҳида эътибор қаратиб, 2010 йилдан буён Ўзбекистон Республикасига Хитой фуқароларининг гуруҳ-гуруҳ бўлиб саёҳат қиладиган туристик мамлакат мақоми берилган.

2013 йил ноябрь ойида Ўзбекистонга уюштирилган Хитой Халқ Республикаси давлат кенгаши Бош вазири Ли Кетсяннинг расмий ташрифи давомида томонлар ўртасида туризм соҳасида ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро битим имзоланди [Халқ сўзи. 2014, 29 март.:1].

Хитойнинг қатор шаҳарларида Ўзбекистон маданияти ҳафталиги ўтказилганини самарали маданий ҳамкорлик мисоли сифатида баҳолаш мумкин. Шу билан бирга, Хитойнинг кўпгина йирик мегаполислари-Пекин, Шанхай ва бошқа шаҳарларида таниқли ўзбекистонлик рассомларининг ўзбек халқининг замонавий ҳаёти ҳамда тараққиётининг турли қирралари тасвирланган ижодий ишлари кўرғазмаси бўлиб ўтди.

Хитойлик санъаткорлар ҳар икки йилда Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалида мунтазам қатнашиб келмоқдалар. Мамлакатимизда ўзаро маданий мулоқотни мустақамлашга мўлжалланган кино кунлари, бадиий кўрғазмалар, фестиваллар ўтказилмоқда. 2015 йилги фестивалда бош соврин-Гран-прини Хитойнинг “Jiangsu women’s Orchestra” гуруҳи қўлга киритди.

Таълим соҳасидаги ҳамкорлик ҳам жадал ривожланмоқда. Хусусан идоралараро алоқалар доирасида талаба ва амалиётчилар алмашинуви кенг йўлга қўйилган.

Марказий Осиёда биринчи бўлиб Тошкентда (2005 йил майда) ва Самарқанд шаҳрида (2013 йил сентябрда) очилган Конфуций институтлари ўзбекистонликларни хитой тили в амданияти билан яқиндан таништириб келмоқда. Ушбу институтларни ўтган 11 йил давомида Хитой билан Ўзбекистон дўстлигини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган 3 мингдан ортиқ мутахассислар битириб чиқдилар. Бундан ташқари, Хитой ҳукумати ҳомийлигида Ўзбекистон олий ўқув юртлирида хитой тилини ўқитиш бўйича замонавий марказлар ташкил этилди.

Хитой Марказий миллатлар университетида (2010 йилдан) ва Пекин чет тиллар университетида (2012-2013 ўқув йилидан) ўзбек тилини ўқитиш йўлга қўйилди. Хитойнинг нуфузли ўқув академик муассасаларидан бири ҳисобланган Шанхай Халқаро тадқиқотлар университетида алоҳида ўзбек тили кафедраси фаолият кўрсатмоқда. 2016 йилнинг сентябридан Шанхай олий ўқув юртида факултатив дарс сифатида ўқитилмоқда.

Иккитомонлама келишувга мувофиқ ва ШХТ доирасида ХХР ҳукумати 2012-2013 ўқув йилида ўзбекистонлик 120 талаба ва стажёрларга грантлар ажратди. Конфуций номидаги институт орқали Ланчжоу унверситетида ўзбекистонлик 50 га яқин талаба таҳсил олмоқда.

2013 йил 15 май куни Шанхай шаҳрида Хитойда биринчи марта Шанхай университети ҳузуридаги ШХТ халқ дипломатияси илмий тадқиқот институти негизида Ватанимиз тарихи ҳамда ривожланишини яқиндан ўрганиш мақсадида Ўзбекистон тадқиқотлари ва таълим алмашувлари маркази очилди. Унинг мутахассислари Ўзбекистонда рўй бераётган замонавий жараёнларни кузатиб бормоқдалар.

Хитой ва Ўзбекистон ўртасида 2014-2017 йилларга мўлжалланган маданий ҳамкорликка оид дастур (2013 йил ноябрь) қабул қилинди. Икки томонлама маданий муносабатларни мустаҳкамлашда 1998 йилда ташкил этилган “Ўзбекистон-Хитой” ва 2007 йил ўз фаолиятини бошлаган “ХХР-Марказий Осиё мамлакатлари” дўстлик жамиятлари муҳимаҳ амият касб этмоқда. Икки мамлакат дўстлик жамиятлари ўртасидаги ўзаро делегациялар алмашинуви давлатлараро алоқаларни янада мустаҳкамлашга кўмаклашмоқда [Раҳматов У., Дюгай П. Ўзбекистон-ХХР: «Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг бугуни ва келажаги буюқдир» // Халқ сўзи. 2012, 2 май.: 2].

Хитой қадимги маданий ёдгорликлари ишлари бўйича давлат бошқармаси, Хитой ижтимоий фанлар академияси, Хитой Шимоли-Ғарбий университети вакиллари ўзбекистонлик ҳамкасблари билан археологик тадқиқотлар ва тарихий обидаларни реставрация қилиш бўйича ҳамкорлик қилмоқдалар. Улар Буюк Ипак йўлининг тарихий кўринишини қайта тиклаш борасида изланишлар олиб бормоқдалар. Хитойлик машҳур ёзувчи Лаошэнинг ўзбек тилига ўгирилган “Мушуклар шаҳри хотиралари” асари китобхонларимизга Хитой адабиёти билан танишиш имконини бермоқда.

2017 йил 13 мартда Хитой ва Ўзбекистон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги арафасида Шанхай университетида буюк аллома Алишер Навоий ҳайкали очилди.

Таъкидлаш жоизки, икки давлат ўртасида минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш борасида метропол субъектлар (Тошкент-Шанхай, Самарқанд-Сиан шаҳарлари, Навоий-Чжучжоу, Тошкент-Хунан, Самарқанд ва Шенси вилоятлари) ўртасида тўғридан-тўғри муносабатлар ўрнатилганлиги натижасида икки мамлакат ҳудудларининг алоқалари ривожланиб бормоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон ХХР билан ташқи савдо, транспорт коммуникацияси соҳасидаги ҳамкорликлар жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Хитойнинг Ўзбекистонга

қаратилган ташқи сиёсатида ўзаро манфаатли ва кўпқиррали муносабатларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзаро алоқаларнинг янада мустақамланиши Ўзбекистоннинг Жануби-Шарқий Осиё давлатлари билан бўлган муносабатларини ривожлантиришда катта аҳамият касб этади.

Умуман, Ўзбекистон ва Хитой ҳукумати, вазирлик ва идоралари, қолаверса, тадқиқодчи олимлар ўртасида ҳамкорлик алоқалари кенг йўлга қўйилган. Хитойлик олимлар Ўзбекистоннинг замонавий сиёсатини ва иқтисодий тараққиётини ўрганишга катта эътибор қаратмоқда. Айниқса, Президент Ш.Мирзиёевнинг сиёсий фаолиятига ва олиб бораётган ислохотларига катта қизиқиш билан кузатмоқда. Масалан, 2019 йил декабрь ойида Хитой халқаро муаммолар академиясида «Президент Шавкат Мирзиёев — Ўзбекистондаги ислохотлар даврининг меъмори» номли китоби чоп этилган. Асарда Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистоннинг замонавий ривожланиши ва келажаги юзасидан стратегик қарашлари, давлатимиз раҳбарининг Марказий Осиё минтақаси, ШХТ ва Евроосиё ҳудудида ҳавфсизлик ва тараққиёт таъминланишида тутаётган фаол ўрни ўз ифодасини топган. Ўзбекистон тараққиётининг ўсувчанлиги, мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатида тарихан қисқа даврда амалга оширилган изчил ўзгаришлар ҳақидаги маълумотлар хитойлик китобхонларнинг эътиборига ҳавола қилинди.

Охирги йилларда Хитой ва Ўзбекистонда мамлакат маданияти кунлари, кўرғазмалар, концертлар, кино фестиваллари мунтазам равишда ўтказиб турилаётганлигига кўпчилик гувоҳ бўлмоқда. Жумладан, 2019 йилнинг 24-27 декабрь кунлари Хитойнинг Пекин шаҳрида «Ипак йўли гавҳарига саёҳат» мавзусида Ўзбекистон маданияти куни ўтказилди. Ўзбекистон давлат филармонияси Бухоро вилоят бўлимининг «Бухоро мавжлари» ва «Бухоро гўзаллари» ансамбллари ўзларининг мазмунли дастурлари билан иштирок этди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон-Хитой алоқаларининг ҳозирги ҳолати давлатларимизнинг бир-бирлари билан узоқ муддатли стратегик ҳамкор эканликларидан далолат беради. Бу эса, икки мамлакат халқларининг миллий манфаатларига ва ҳозирги замон талабларига тўла мос келади. Икки мамлакат ўртасидаги мулоқотлар, алоқалар изчил ривожланиб бораётган халқаро муносабатлар тарихида муҳим аҳамият касб этади ва келажакда янада самарали натижаларга эришишга кен гимкониятлар яратади.

*Хулоса ўрнида* шуни қайд этиш жоизки, сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасининг ХХР билан муносабатлари сифат жиҳатидан янги даражага кўтарилди.

#### АДАБИЁТЛАР (REFERENCES)

1. Рахматов У., Дюгай П. Ўзбекистон-ХХР: «Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг бугуни ва келажаги буюқдир»//Халқ сўзи. 2012, 2 май.: 2
2. Халқ сўзи. 2014, 29 март.:1